

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Сурхондарё вилояти Шеробод
тумани ҳокимининг Рақамли

иқтисодий вазоратнинг қилиш
буйича қўйиша менежери



У.Хўшбоқов

” январь

ХИЗМАТ РЕГЛАМЕНТИ

“+99 876 322-10-33 Ишонч телефони орқали келиб тушаётган
мурожаатларни кўриб чиқиш”

1. Хизмат паспорти

1.1. Хизмат номи

Ишонч телефонлари орқали Сурхондарё вилояти ҳокимлигига
келиб тушаётган мурожаатларни куриб чиқиш.

1.2. Хизмат натижаси

Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси ва қабул қилинган қарор
оғзаки равишда телефон орқали етказилади.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланкалар олиш жойи

Мурожаатни куриб чиқиш алоҳида бланка ва бошқа ҳужжатларни
талаб қилмайди, фақат Ўзбекистан Республикаси қонунчилиги
доирасидаги талабларга риоя этилиши сўралади.

1.4. Қонуний асос

“Фуқароларнинг мурожаатлари туғрисидаги” Ўзбекистан
Республикаси Қонуни 06.05.1994 йил 1064-ХП-сон.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўзбекистан Республикаси жисмоний шахслари

1.6. Сўров юбориш муддати

Муддат урнатилмаган.

1.7. Бажариш муддатлари

Фуқаролар мурожаатлари келиб тушган кундан бошлаб 20 кун
мобайнида куриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этувчи
мурожаатлардан ташқари ва мазкур ҳолат бўйича маълумот ариза
юборган шахсга етказилади.

Давлат идораси, бошқарма ва ташкилотларга келиб тушган ариза
ва шикоятлар бир ой муддатгача аниқ кўриб чиқишга мажбур, қўшимча
ўрганишни талаб этмайдиган мурожаатларни эса 15 кундан кечикмай

кўриб чиқишлари шарт.

1.8. Кўриб чиқиш мuddати

15 иш куни мобайнида.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни етказиш

2.1. Маълумотнинг хажми ва таркиби

Мурожаат қилган ҳар қандай шахсга қуйидаги маълумотларни тақдим этиш кафолатланади:

- хизматни кўрсатаётган идора манзили, иш вақти, қабул қилиш кунлари (телефон орқали қабулга ёзилиш, мурожаат куни қабулга кириш, навбатда туриш)

- хизматдан фойдаланиш тартиблари тўғрисида

- хизматни кўрсатиш мuddатлари тўғрисида

2.2. Оммавий хабардор этиш

Кўриб чиқилмаган

2.3. Сўров бўйича хабардор этиш

Шахсан: 9-00 дан 18-00 гача оғзаки равишда хизматдан фойдаланиш бўйича барча масалада консултатсия (20 дакикадан ўтмаслиги лозим) ва ёзма равишда матн кўринишида маълумотларни тақдим этиш.

Факс орқали: Туну-кун узлуксиз ҳар қандай ёзма равишдаги сўровларни қабул қилиш.

Электрон почта орқали: Туну-кун узлуксиз ҳар қандай ёзма равишдаги, матн кўринишидаги ва ПДФ кўринишидаги сўровларни қабул қилиш.

2.4. Хизмат кўрсатувчи идора манзили

Ўзбекистан Республикаси, Сурхондарё вилояти, Шеробод шаҳри Алишер Навоий кўчаси 22-уй

Телефон: +99 876 322-10-33

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланкалари (формалари)

кўриб чиқилмаган

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Душанба-Жума кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача

3.2. Кутиш тартиби

Телефон кўнгироқларни қабул қилиш душанба-жума кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

4. Хизмат кўрсатиш жараёнлари

4.1. Керакли ҳужжатлар

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат

4.2. Хизмат нархи

Хизмат бепул равишда кўрсатилади.

4.3. Давлат хизматини курсатиш босқичлари

Телефон орқали мурожаатни қабул қилиш ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сунг, жужжат раҳбариятга кўриб чиқиш учун масъул бўлган тегишли бўлимни аниқлаш ва сифатли жавобни тайёрлаш мақсадида имзо учун юборилади. Мурожаат тематикасини кўриб чиқилгандан сунг топшириқни бажарилиши назоратга олиш учун назорат карточкаси очилади. Белгиланган муддатларда масъул бўлим томонидан мурожаатни ижроси юзасидан тегишли кўрсатма тайёрланади ва мурожаат қилган шахсга юборилади.

4.4. Ички тартибда давлат хизматини кўрсатиш жараёнлари

- 1) 1-жараён: Хужжатни рўйхатга олиш ва Раҳбариятга юбориш;
- 2) 2-жараён: Назорат карточкасини очиш ва масъул бўлган бўлимга юбориш мақсадида Ариза ва шикоятлар бўлимига юбориш;
- 3) 3-жараён: Масъул бўлган бўлим томонидан аризачига жавоб хати тайёрланади ва Ариза ва шикоятлар бўлимига рўйхатга олиш учун юбориш.
- 4) 4-жараён: Ариза ва шикоятлар булими томонидан аризачига жавоб хатини юбориш.

4.5. Рад этиш асослари

Фуқаро телефон орқали мурожаатида исми-шарифи, манзили нотўғри ёки асоссиз ва ёлғон маълумотлар кўрсатилган бўлса мазкур мурожаат аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

5. Сифатини таъминлаш


5.1. Сифат курсаткичлари

Аввал кўриб чиқилган масалалар буйича қайта мурожаатни йўқлиги



5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизматга шикоят билдириш

Фуқаро мурожаатига олган жавобига шикоятни аниқ бир сабабни кўрсатган ҳолда тақдим этиши мумкин. Шикоят бериш усули - ёзма равишда аниқ шикоят сабабини кўрсатган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда бериши мумкин.

“Ишонч телефонлари орқали келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш”
хизматини курсатиш мобайнида ички жараёнлар схемаси”



Хизмат кўрсатиш схемаси:
“Ишонч телефонлари орқали келиб тушадиган мурожаатларни кўриб чиқиш”



15 иш куни

